

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ ЮСУФБОЙ НУРАДДИН ЎҒЛИ

**ОЛИГОМЕР АМИНОБИРИКМАЛАР ВА ИККИЛАМЧИ
ХОМАШЁЛАР АСОСИДАГИ СИСТЕМАЛАРНИНГ ИНГИБИРЛАШ
МЕХАНИЗМИ**

02.00.04 – Физик кимё (кимё фанлари)

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
chemical sciences**

Ражабов Юсуфбой Нураддин ўғли

Олигомер аминокбирикмалар ва иккиламчи хомашёлар
асосидаги системаларнинг ингибирлаш механизми..... 3

Ражабов Юсуфбой Нураддин угли

Механизм ингибирования систем на основе олигомерных
аминосоединений и вторичного сырья.....21

Rajabov Yusufboy Nuraddin o'g'li

Mechanism of inhibition of systems based on oligomeric
aminocompounds and secondary raw materials of the industry.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВ ЮСУФБОЙ НУРАДДИН ЎҒЛИ

**ОЛИГОМЕР АМИНОБИРИКМАЛАР ВА ИККИЛАМЧИ
ХОМАШЁЛАР АСОСИДАГИ СИСТЕМАЛАРНИНГ ИНГИБИРЛАШ
МЕХАНИЗМИ**

02.00.04 – Физик кимё (кимё фанлари)

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/К336 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифаси (www.ik-kimyو.nuu.uz) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Акбаров Ҳамдам Икромович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Холиқов Абдували Жонизоқович
кимё фанлари доктори, профессор

Бекназаров Ҳасан Сойибназарович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.К.01.03 рақамли Илмий кенгашнинг "15" 01 2021 йил соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871)227-12-24, факс: (99824) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (169 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел: (99871)227-12-24, факс: (99824) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил "28" 12 тарқатилди.
(2021 йил "27" 12 даги 26 рақамли реестр баённомаси).



З.А. Сманова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш котиби к.ф.д.

М.Г. Мухамедиев

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда агрессив муҳитларда металлларни коррозиядан химоя қилувчи ва импорт ўрнини босувчи юқори самарадорликка эга ингибиторлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ишлаб чақариш жараёнларининг жадаллик билан ривожланиши натижасида металлларга бўлган талабнинг ортиши сувли шароитларда қўлланилувчи самарали ингибиторларга бўлган талабнинг ортишига олиб келмоқда. Шунингдек, юқори концентрацияларда қўлланилувчи индивидуал моддалардан воз кечган ҳолда иқтисодий томондан қулай бўлган экологик хавфсиз композицион ингибиторлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Коррозиянинг олдини олишда бирикмаларнинг тузилиши, концентрацияси, таъсир этувчи муҳит ва ҳароратнинг ингибитор самарадорлигига таъсирини ўрганиш орқали ингибирлаш механизмларини аниқлаш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда металллар коррозиясини камайтириш бўйича гетероциклик ва аминогуруҳ тутган алифатик бирикмалар, полифосфатлар, металл комплекслари, олигомер ҳамда полимер типдаги моддалар асосида сувда эрувчан органик ва ноорганик бирикмаларнинг ингибиторлик хоссалари ўрганилиб, самарали ингибиторлар яратиш бўйича мақсадли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўсимликлардан ажратиб олинган моддалардан фойдаланган ҳолда яшил ингибиторлар олиш ва саноат чиқиндилар асосида композицион ингибиторлар яратиш орқали атроф-муҳит ифлосланишини камайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу сабабли қийин синтез қилинувчи, қиммат, захарлилиги юқори бўлган бирикмалардан воз кечган ҳолда саноат чиқиндилари ва иккиламчи маҳсулотлар асосидаги ингибиторлар яратиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда органик ва олигомер бирикмалар ҳамда иккиламчи маҳсулотлар асосида кислотали, тузли, нефтли ва водород сульфидли муҳитларда металллар коррозиясининг олдини олишда самарали полифункционал ингибиторлар яратишда маълум илмий-амалий натижаларга эришилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида, юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни янада жадаллаштириш, сифат жиҳатдан янги маҳсулотлар олиш технологияларини ўзлаштириш ва такомиллаштириш¹” бўйича ҳал қилинадиган муҳим вазифалар ва олиб бориладиган тизимли ишлар белгилаб берилган. Бу борада металл конструкцияларни коррозиядан химоя қилувчи олигомер аминобирикмалар ҳамда иккиламчи саноат маҳсулотлари асосида янги турдаги ингибиторлар яратиш, уларнинг химоялаш механизмларини ўрганиш бўйича муҳим илмий ва амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони.

ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2021 йил 9 июндаги ПФ-6244-сон “Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари ва 2020 йил 12 августдаги ПҚ-4805-сон “Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПҚ-4884 сон “Таълим-тарбия тизимини янада такомиллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё технологиялари ва нанотехнология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётлар таҳлиliga кўра, ҳозирда жаҳон мамлакатларида металллар коррозиясини тадқиқ қилишда физик-кимёвий, электрокимёвий ва бошқа турли усуллар ишлаб чиқилган. Хорижий давлатларда коррозия назариялари ва янги турдаги ингибиторларнинг таъсир механизмини кенг таҳлил қилган ҳолда юқори самарали ингибиторлар олиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этишга катта эътибор берилмоқда. Бугунги кунда металллар коррозиясининг олдини олишда ингибиторлар яратиш бўйича фаолият олиб бораётган кўпгина олимларнинг ишларига тўхталиш мумкин. Жумладан, Ellithy A.S., Cang H., Okewale A.O., Shao J., Oguzie E.E., Hussain M.S., Jakeria M.R., Fazal M.A., Haseeb A., Khan R., Oyekunle D.T., Somers A.E., Hinton B.R., Bruin-dickason C.De. ва б. каби жаҳон олимлари ҳамда МДХ мамлакатларидаги изланувчилардан Розенфельд И.Л., Борисов Д.Н., Агафонкин А.В., Данилова Г.Н., Фархутдинова А.Р., Кузнецов Ю.И., Вигдорович В.И., Федотова А.И., Цыганов Т.Д., Левашова В.И.ларни мисол келтиришимиз мумкин.

Ўзбек олимларидан Р.С.Тиллаев, З.А.Таджиходжаев, Ф.К.Курбанов, А.Т.Джалилов, А.Икрамов, Д.Юсупов, Х.И.Акбаров, В.П.Гуро, А.Ж.Холиқов, Х.И.Қодиров, Н.Б.Эшмаматова ва бошқаларнинг илмий фаолияти ингибиторларнинг янги авлодини яратишга ва уларнинг самарадорлигини ўрганишга қаратилган.

Ҳозирда кимёвий қайта ишлаш корхона ва заводларида мавжуд кислотали ҳамда тузли муҳитлардаги коррозияни тўхтатиш бўйича маҳаллий хомашёлар асосида самарали композицион ингибиторлар яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-12-46 “Полиэлектролитларнинг антикоррозион самарадорлигини ошириш ва уни амалиётга кўллаш” (2015-2017йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олигомер аминокбирикмалар ва иккиламчи хомашёлар асосида кислотали-тузли агрессив муҳитларда пўлат коррозиясини олдини олиш бўйича юқори самарадорли ингибиторларни яратиш ҳамда уларнинг ингибирлаш механизмини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

металлар коррозиясига қарши таркибида аминок ва фосфат гуруҳлар тутган олигомер ингибиторларни синтез қилиш;

ИҚ-спектроскопия усули ёрдамида синтез қилинган ингибиторларнинг тузилишини ўрганиш ва квант-кимёвий усуллар ёрдамида молекуляр-динамик хусусиятларини аниқлаш;

металлар коррозиясида ингибиторлар самарадорлигини электрокимёвий ва гравиметрик усуллар ёрдамида тадбиқ қилиш ва ингибиторларнинг кинетик ҳамда адсорбцион хоссаларини аниқлаш;

харорат ва концентрациянинг коррозия тезлигига ҳамда ҳимоялаш даражаларига таъсирини ўрганиш орқали ингибирлаш механизмини аниқлаш;

янги ингибиторларнинг самарадорлигини ўрганиш бўйича лаборатория синовларини ўтказиш ва саноат миқёсида тадбиқ қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида аминотиокарбамид, меламин, карбамид асосида олинган олигомер аминокбирикмалар, иккинчи компонент сифатида моноэтаноламиннинг вакуумда ҳайдаш куб қолдиғи ва экстракцияланган фосфат кислоталар олинган.

Тадқиқот предмети фойдаланилган системаларнинг ингибирлаш механизмини аниқлаш, ҳимоялаш даражаларининг турли агрессив шароитларга боғлиқлигини ва бу турдаги ингибиторларга хос умумий қонуниятларни кўрсатиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда ИҚ-спектроскопия, квант-кимёвий, кутбланиш эгрлари, кутбланиш қаршилиги, гравиметрик, спектрофотометрик ва электрон микроскопик усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор олигомер аминокбирикмалар ва иккиламчи маҳсулотлар асосидаги янги ингибиторларни кўллашдаги оптимал нисбатлар ва концентрациялар аниқланган;

адсорбцияланиш хусусиятларини ва термодинамик функцияларини аниқлаш асосида мономолекуляр адсорбция жараёни исботланган;

синтез қилинган янги олигомер ингибиторларнинг коррозия токи, ҳимоялаш даражаси, тормозлаш коэффициенти, сиртни тўла қоплаш даражалари аниқланган;

сканерловчи электрон микроскоп ва атом куч микроскоплари орқали олигомер аминокбирикмалар ва иккиламчи хомашёлар ёрдамида ингибирланган металл сиртининг микрофотографиялари олиниб, ингибиторларнинг таъсир механизмлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

синтез қилинган бирикмалар ва иккиламчи хомашёлар асосидаги янги ингибиторлар ишлаб чиқариш жараёнларида ҳосил бўладиган турли агрессив

шароитларда юқори самарадорлик кўрсатган ва кенг ҳароратлар оралиғида барқарорликка эга эканлиги исботланган;

диметилоламинотиокарбамид фосфат ва моноэтанолламиннинг куб қолдиғи асосида олинган композицион ингибитор кислотали муҳитларда самарадорли ингибитор эканлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги гравиметрия, қутбланиш эгрилари, қутбланиш қаршилиги, ИҚ-спектроскопия, сканерловчи электрон микроскопия, нур қайтариш спектрофотометрия усулларида ҳамда замонавий термодинамик, кинетик ва адсорбцион назариялар асосида ингибиторларнинг самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олигомер ингибиторлар ва иккиламчи sanoat маҳсулотларнинг самарадорлиги уларнинг тузилиши, оптимал нисбатлари, физик-кимёвий хусусиятларининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда ингибирлаш механизмини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган композицион ингибиторлар юқори агрессив кислотали-тузли ва айланма сувли муҳитларда пўлатни коррозиядан юқори даражада ҳимоялаб, металл конструкцияларни узоқ муддат самарали ишлашига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аминотиокарбамид ва меламина асосидаги олигомер аминобирикмалар ва иккиламчи маҳсулотлар асосида олинган бирикмаларнинг металллар коррозиясига қарши ингибитор сифатида қўллашдан олинган илмий натижалар асосида:

олигомер аминобирикмалар ва иккиламчи маҳсулотлар асосида олинган композицион ингибиторлар кислотали қайта ишлашдан ҳосил бўлувчи агрессив муҳитларда коррозия жараёнини тўхтатиш бўйича Навоий кон-металлургия комбинати амалиётига жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 5 ноябрдаги №02-06-07/10674-сон маълумотномаси). Натижада кислотали ювишдан ҳосил бўлувчи агрессив кислотали-тузли чиқинди сувларни ўтказувчи ва сақловчи пўлат конструкцияларни коррозиядан ҳимоялаш имконини берган;

олигомер аминобирикмалар ва иккиламчи маҳсулотлар асосида олинган композицион ингибиторлар “Махам – Chirchiq” АЖ амалиётига жорий этилган (“Махам – Chirchiq” АЖнинг 2020 йил 14 майдаги №157-9/20-сон маълумотномаси). Натижада ички сувли айланма ва совутиш системаларида юзага келувчи коррозия жараёнида пўлат материалларини ҳимоялаш имконини берган;

коррозия ингибиторларини олиш, турли муҳитларда самарадорлигини аниқлаш устида олиб борилган илмий тадқиқотлардан ОТ-Ф7-85 рақамли “Аминометиленфосфат кислотаси асосидаги алифатик ва гетероциклик металллар коррозияси ингибиторларининг синтези ва физик-кимёвий хоссалари” илмий лойиҳасида кўп компонентли ингибиторларнинг оптимал нисбатларини аниқлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16-ноябрдаги 89-03-4763-сон маълумотномаси).

Натижада металлларни коррозиядан юқори даражада ҳимояловчи, узоқ муддат ишлашини таъминловчи ингибиторлар яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 13 та илмий-амалий, шу жумладан, 3 та халқаро ва 10 та республика миқёсидаги анжуманларда маърузалар қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил қилади.²

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари келтирилган, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фани ва технологияси ривожланишининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, ишончилиги, уларнинг амалиётга тадбиқ қилиниши очиқ берилган ва чоп этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Турли коррозиявий муҳитларда ингибиторларнинг қўлланилиши”** деб номланган **биринчи боби** адабиётлар шарҳига бағишланган бўлиб, унда коррозия ингибиторлари ва уларнинг қўлланилиши, кислотали агрессив муҳитлардаги ингибиторларнинг ҳимоялаш механизмлари, кислород ва фосфор сақловчи кўп функционал аминокбирикмалар асосидаги ингибиторлар, икки ва кўп компонентли ингибиторлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Металлларнинг кимёвий ва электрокимёвий коррозиясининг олдини олишда коррозия ингибиторларининг ҳимоялаш механизмлари, ингибиторларнинг самарадорлиги уларнинг таркибига кирувчи электродонор атомлар ҳамда гуруҳларнинг сони ва тузилишига боғлиқлиги ўрганилиб, бугунги кунда кислотали ва тузли агрессив муҳитлардаги коррозиявий жараёнларни тўхтатиш бўйича республикамиз ва хорижда олиб борилаётган ишлар қиёсий муҳокама қилинган. Адабиётлар таҳлилига кўра, индивидуал ингибиторларга нисбатан икки ва кўп компонентли ингибиторлар самарадорлиги юқори бўлиши аниқланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектлари синтези, қўлланилган материаллар ва усуллар”** деб номланган **иккинчи бобида**

² Муаллиф диссертация ишини бажаришда берган илмий маслаҳатлари учун к.ф.д., доц. Н.Т.Каттаев ва к.ф.д., доц. Н.Б.Эшмаматовага ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.

аминотиокарбамид фосфат (АТКФ), меламинакарбамидформальдегид олигомери (МЕКАФ), меламинаминотиокарбамидформальдегид олигомери (МЕАТКФ), диметилоламинотиокарбамид олигомери (ДМАТК), диметилоламинотиокарбамид фосфат олигомери (ДМАТКФ) бирикмаларининг олиниш реакция тенгламалари ва синтез шароитлари кўрсатиб ўтилган. Материаллар қисмида ингибиторлар қўлланилувчи кислотали-тузли ишчи эритмаларнинг ва ингибирланган металл намунасининг тузилиши, ўлчамлари, таркиблари келтирилган. Тадқиқот объектларининг ингибиторлик самарадорлигини тадқиқ қилиш усуллари, жараённинг кинетикаси ва адсорбция изотермалари, спектрофотометрик ва микроскопик усуллар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Бир компонентли ингибиторларнинг самарадорлиги**” деб номланган **учинчи бобда** синтез қилинган олигомер бирикмаларнинг тузилишини, ингибиторлик хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича олинган амалий ва назарий маълумотларнинг таҳлили келтирилган.

Моддалар тузилишининг ИҚ-спектроскопик таҳлили. Ингибиторларнинг самарадорлиги таркибидаги функционал гуруҳлар ҳисобига пўлат сиртига адсорбцияланиб темир ионлари билан кам эрувчан бирикмаларни ҳосил қилишига боғлиқ. Бундан ташқари молекуланинг тузилиши, олигомер занжир узунлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ингибирлаш механизми ҳақида мулоҳаза юритишда, аввало, молекуланинг тузилишини билиш талаб этилади. Моддаларнинг тузилиши ИҚ-спектроскопия усули ёрдамида ўрганилди. Бу усул олигомер бирикмаларнинг тузилишини аниқлашда кенг қўлланилувчи усул ҳисобланади. Бунинг учун реакцияга киришувчи дастлабки моддалар аминотиокарбамид ва меламинанинг ИҚ-спектрлари олиниб солиштирилди, ютилиш чизиклари орқали янги ҳосил бўлган боғлар ва гуруҳлар аниқланди.


АТКФнинг ИҚ-спектри таҳлилига кўра, АТКга фосфат гуруҳининг бирикиши натижасида (-O-P=O) гуруҳнинг валент тебраниш чизиклари 2358 см^{-1} соҳада пайдо бўлган, 1078 см^{-1} соҳада $\nu(-\text{P}-\text{OH})$ гуруҳга, 966 см^{-1} соҳада $\delta_{\text{ac}}(\text{P}=\text{O})$ гуруҳга, 727 см^{-1} соҳада $\delta_{\text{ac}}(\text{P}-\text{O})$ гуруҳга тегишли ютилиш максимумлари пайдо бўлган. Айрим аминогуруҳларнинг аммоний гуруҳига ўтиши натижасида аминогуруҳга тегишли $3358, 3253, 3170\text{ см}^{-1}$ $\nu(-\text{NH}_2)$, $1641-1616\text{ см}^{-1}$ $\delta_{\text{c}}(-\text{NH}_2)$, 997 см^{-1} $\delta_{\text{ac}}(\text{NH}_2)$, тебраниш чизиклари ўрнига $-\text{NH}_4^+$ гуруҳга тегишли ($\nu(3149, 3086, 2949\text{ см}^{-1})$ ва $\delta_{\text{ac}}(1600\text{ см}^{-1})$) ютилиш максимумлари пайдо бўлган.

МЕАТКФнинг ИҚ-спектри таҳлилига кўра, меламина ва АТК таркибида реакцияга киришган $-\text{NH}_2$ гуруҳга тегишли $\nu(3126; 3170\text{ см}^{-1})$ ва $\delta_{\text{c}}(1527; 1548\text{ см}^{-1})$ соҳадаги ютилиш чизиклар йўқолиб, $\nu(3211\text{ см}^{-1})$, $\delta_{\text{c}}(1573\text{ см}^{-1})$ соҳада -NH гуруҳга тегишли ютилиш чизикларининг пайдо бўлганлиги аниқланди. ДМАТК молекуласида 3490 см^{-1} соҳада $\nu(-\text{OH})$ гуруҳга, $1580-1450\text{ см}^{-1}$ соҳаларда $\delta(-\text{OH})$ гуруҳга тегишли ютилиш максимумлари пайдо бўлган. АТК таркибидаги $\delta(-\text{NH}_2)=1641\text{ см}^{-1}$ соҳадаги ютилиш чизиклари йўқолиб, $\delta(-\text{NH}-)=1409-1444\text{ см}^{-1}$ соҳадаги ютилиш максимумлари пайдо бўлган.

АТКнинг ИҚ-спектри билан солиштирилганда ДМАТКФ молекуласида 3371, 3269 см^{-1} соҳада тўртламчи аминогуруҳга ва 3152, 2951 см^{-1} соҳаларда (-ОН) гуруҳига тегишли ютилиш максимумлари пайдо бўлганини кўришимиз мумкин. Фосфат гуруҳининг бирикиши натижасида (-O-P=O) гуруҳнинг валент тебраниш чизиқлари 2358 см^{-1} соҳада пайдо бўлган. 1076 см^{-1} соҳада ν (-P-ОН) гуруҳга, 947 см^{-1} соҳада δ_{ac} (P=O) гуруҳга, 727 см^{-1} соҳада δ_{as} (P-O) гуруҳга тегишли ютилиш максимумлари пайдо бўлган.

Gaussian 09 дастурий пакети ёрдамида квант-кимёвий ҳисоблашлар олиб борилди, бирикмалар ва уларнинг темир билан ҳосил қилган комплексларининг оптималлаштирилган тузилиши, молекуладаги зарядлар тақсимоти, электрон зичлик, боғ узунликлари ва энергиялари, боғловчи ва бўшаштирувчи чегаравий молекуляр орбиталлар, молекуляр электростатик потенциал (МЭП) контурлари аниқланди. Ингибитор молекуласининг фазовий ҳолати ва зарядлар қиймати орқали металл билан боғ ҳосил қилиш эҳтимоли юқори бўлган гуруҳлар ўрганилди. Ушбу назарий ҳисоблашлар ингибиторларнинг металл сирти билан таъсирлашиш механизмларини тушунтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Турли фон эритмаларда ишчи электродларнинг қутбланиш эгрлари ва қутбланиш қаршилиги усуллари орқали бирикмаларнинг ингибирлаш самарадорлиги аниқланди. Қутбланиш эгрлари усули ингибиторларнинг самарадорлигини аниқлашнинг экспресс усуллари билан бири бўлиб, электрокимёвий усуллар қаторига киради. Коррозия жараёнида катод ва анод қисмларнинг потенциаллари доимий бўлмаслиги орқали қутбланиш рўй беради, натижада катод ва анод жараёнларида потенциалларнинг ўзгариши ва коррозия токнинг камайиши содир бўлади. Тадқиқотлар рН=2,37 бўлган Фон-1 (HCl + 1% NaCl) ҳамда рН=4,65 бўлган Фон-2 (HCl + 0,5% NaCl) ишчи эритмаларда олиб борилди.



1-расм. Фон-1 (а) Фон-2 (б) эритмаларда $T=293 \text{ K}$ да ва $C=100 \text{ мг/л}$ олигомер ингибиторлар иштирокидаги пўлат электродининг қутбланиш эгрлари

Системага ингибитор киритилганда коррозия ток ($\lg i$) қийматининг ўзгариши билан коррозия потенциалининг (E) мусбат томонга силжиши


кузатилди (1-расм). Бу ҳолат ингибиторларнинг аралаш механизмда таъсир қилишини кўрсатади. Ингибиторсиз ва ингибитор киритилган системалардаги коррозия ток қийматининг ўзгаришидан тормозлаш коэффициенти (γ), химоялаш даражаси (η), сиртнинг тўла қопланиш даражаси (θ) аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Ингибиторларнинг самарадорлигини $T=293\text{ K}$ да қутбланиш эгрлари усулида аниқлаш натижалари

Ингибитор	C, мг/л	i , мА/см ²	γ	θ	η , %
Фон-1	100	0,96	—	—	—
АТК		0,169	5,68	0,824	82,40
ДМАТК		0,138	6,96	0,8563	85,63
МЕКАФ		0,11	8,73	0,8854	88,54
МЕАТКФ		0,091	10,55	0,9052	90,52
ДМАТКФ		0,075	12,80	0,9219	92,19
Фон-2	100	0,883	—	—	—
АТК		0,126	6,98	0,8568	85,68
ДМАТК		0,111	7,93	0,8739	87,39
МЕКАФ		0,087	10,11	0,9011	90,11
МЕАТКФ		0,064	13,75	0,9273	92,73
ДМАТКФ		0,045	19,56	0,9489	94,89

Пўлат электроднинг сиртига ингибиторларнинг адсорбцияланиши туфайли электроднинг электр ўтказувчанлиги камаяди, бунинг натижасида қутбланиш қаршилиги (R) ортади. Қаршилиқнинг ортиши орқали ингибиторнинг самарадорлиги аниқланди (2-расм).



2-расм. Фон-1 (а) Фон-2 (б) эритмаларда $T=293\text{K}$ да 100 мг/л ингибитор иштирокида пўлат электроди қутбланиш қаршилигининг вақтга боғлиқлиги

Ингибиторсиз шароитда Фон-1 эритмадаги қаршилиқ 54 ом/см^2 га, Фон-2 эритмада 93 ом/см^2 га тенг бўлди. Ингибиторлар 100 мг/л концентрацияда қўлланилганда Фон-1 эритмада максимал қаршилиқлар $295\text{--}466\text{ ом/см}^2$,

Фон-2 эритмада 823-1570 ом/см²ни ташкил қилди. Ингибиторларнинг химоялаш даражалари (қаршилиқ ортиб бориш тартибида) Фон-1 эритмада 81,7 %дан 84,2 %гача, Фон-2 эритмада 88,7 %дан 94,08 %гача бўлган қийматларни ташкил қилди.

Олигомер аминобирикмаларнинг коррозияга қарши самарадорлиги электрохимий усуллардан ташқари ингибиторли ва ингибиторсиз шароитларда 10 кун давомида ушлаб турилган металл массаси ўзгариши орқали гравиметрик усулда ҳам аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

T=293 K ва C=100 мг/л концентрацияда ингибиторларнинг самарадорлигини гравиметрик аниқлаш натижалари

Ингибитор	$W_{грав},$ гр/(см ² ·соат)	γ	$\eta, \%$	θ
Фон-1	1,216	-	-	-
АТК	0,191	6,37	84,29	0,8429
ДМАТК	0,153	7,95	87,42	0,8742
МЕКАФ	0,146	8,33	87,99	0,8799
МЕАТКФ	0,119	10,22	90,21	0,9021
ДМАТКФ	0,093	13,08	92,35	0,9235
Фон-2	1,104	-	-	-
АТК	0,128	8,63	88,41	0,8841
ДМАТК	0,107	10,32	90,31	0,9031
МЕКАФ	0,097	11,38	91,21	0,9121
МЕАТКФ	0,083	13,30	92,48	0,9248
ДМАТКФ	0,052	21,23	95,29	0,9529


2-жадвалдан Фон-1 ишчи эритманинг Фон-2 эритмага нисбатан агрессивлиги юқори бўлгани учун Фон-1 эритмада коррозия тезлиги ($W_{грав}$) юқори бўлганини кўришимиз мумкин. Ингибиторлар Фон-1 эритмада 84,29-92,35 %, Фон-2 эритмада 88,41-95,29 % химоялаш даражасини кўрсатди. ДМАТКФ бошқа бирикмаларга нисбатан юқори химоялаш даражасини намоён этди ва энг самарали ингибитор деб топилди. Химоялаш механизмлари ҳақида кўпроқ маълумот олиш учун ДМАТКФнинг турли ҳарорат ва концентрацияларда химоялаш даражалари, сиртнинг тўла қопланиш даражаси ва коррозия тезлиги аниқланди.

Аррениус тенгламаси ёрдамида ингибирлаш жараёнининг фаолланиш энергияси аниқланди, бунинг учун турли ҳарорат ва концентрацияларда олинган коррозия тезликлари орқали $\lg W$ нинг $1000/T$ га боғлиқлик графиги чизилиб, чизиқнинг оғиш бурчаги тангенс топилади. Бу ерда $\tan \alpha$ фаолланиш энергияси билан қуйидагича боғланган: $\tan \alpha = -E_{\phi} / 2,303 \cdot R$ (3а-расм). Фаолланиш энтальпияси (ΔH_{ϕ}) ва энтропияси (ΔS_{ϕ})нинг қийматларини топиш учун қуйидаги ўтиш ҳолат тенгламасидан фойдаланилди:

$$W_{грав} = \frac{RT}{Nh} \exp\left(\frac{\Delta S_{\phi}}{R}\right) \exp\left(-\frac{\Delta H_{\phi}}{RT}\right)$$

бу ерда: h – Планк доимийси ($6,626 \cdot 10^{-34}$ м²кг/с) ва N – Авагадро доимийси. Ўтиш ҳолат эгрилари чизилиб (3б-расм), графикнинг қиялик бурчак тангенс

орқали ($\lg \alpha = -\Delta H_{\phi} / 2,303 \cdot R$) фаолланиш энтальпияси аниқланди. Эгриларнинг ордината ўқи билан кесишиши нуқтасидан [$\lg(R/Nh) + (\Delta S_{\phi} / 2,303 \cdot R)$] фаолланиш энтропияси топилди.



3-расм. ДМАТКФ ингибитори учун кинетик тадқиқотлар асосида олинган Аррениус ва ўтиш ҳолат боғланишлари

Ингибитор киритилмаган системаларнинг фаолланиш энергияси қиймати катта қийматга тенг бўлиб, ингибитор киритилгач эса фаолланиш энергиясининг камайиши кузатилди (3-жадвал). Буни ингибитор молекуласи фон эритма таркибидаги молекулаларга қараганда пўлат билан осонроқ тасирлашиши билан тушунтириш мумкин. Ингибиторнинг концентрацияси ортиб бориши билан фаолланиш энергиясининг камайиши кузатилди. Эритмада ингибитор молекулаларининг кўпайиши фаол марказлар тўқнашувининг ортишига олиб келади. Ингибитор концентрациясининг ортиши натижасида фаолланиш энергияси камайиши шу билан изоҳланади.

3-жадвал

ДМАТКФ ёрдамида Фон-1 эритмадаги фаолланиш жараёни учун термодинамик функциялар

$C_{инг}$ (мг/л)	-	25	50	75	100
E_{ϕ} (кЖ/моль)	40,70	8,10	5,02	2,93	1,67
ΔH (кЖ/моль)	139,77	26,81	17,23	9,57	5,74
ΔS Ж/(моль·К)	359,60	-82,70	-122,90	-153,54	-170,77

Системага ингибитор киритилгач, фаолланиш энтальпиясининг камайиши аниқланди. Бу эса ингибиторсиз муҳитнинг фаолланиши учун ингибиторли муҳитга қараганда кўпроқ энергия кераклиги, яъни ингибитор киритилса жараён осон боришини аниқлатади. Ингибиторсиз муҳитда фаолланиш энтропиясининг мусбат бўлиши коррозия жараёнининг ўз-ўзича боришини кўрсатади.

ДМАТКФнинг пўлат сиртига адсорбцияланиш механизми Ленгмюр, Фрумкин ва Тёмкин изотермалари ёрдамида ўрганилди (3а,б,с-расм).

Ленгмюр
$$\frac{C_{инг}}{\theta} = \frac{1}{K_{адс}} + C_{инг}$$


Фрумкин
$$\frac{\theta_{грав}}{1-\theta_{грав}} \exp(-2f\theta_{грав}) = K_{адс} C_{инг}$$

Тёмкин
$$\exp(f\theta_{грав}) = K_{адс} C_{инг}$$

бу ерда: $C_{инг}$ – ингибиторнинг эритмадаги концентрацияси, $K_{адс}$ – адсорбцион мувозанат константаси. $K_{адс}$ ёрдамида адсорбция жараёнининг стандарт Гиббс энергияси аниқланди:

$$\Delta G_{адс}^0 = -RT \ln(1000K_{адс})$$

бу ерда: 1000 – эритмадаги сувнинг миқдори (г/л). Стандарт Гиббс энергиясининг температурага боғлиқлик графиги (Эллингем диаграммаси) олинди (3д-расм) ва $\Delta G_{адс}^0 = \Delta H_{адс}^0 - T\Delta S_{адс}^0$ тенглама ёрдамида $\Delta H_{адс}^0$ ва $\Delta S_{адс}^0$ нинг қийматлари топилди.



4-расм. ДМАТКФ нинг металл сиртига Фрумкин (а), Тёмкин (б) Ленгмюр (с) адсорбция изотермалари ва Эллингем (д) диаграммаси.


Ҳисоблашлар оркали Гиббс энергияси қиймати манфий бўлиши аниқланди, бу жараённинг ўз-ўзидан борганини кўрсатади. Адсорбция энтропияси ва энтальпияси мусбат бўлиши аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

ДМАТКФ иштирокидаги Фон-1 эритмада адсорбция жараёнининг термодинамик функциялари

T, K	$K_{адс}$	R^2	$\Delta G_{адс}^0$ кЖ/моль	$\Delta H_{адс}^0$ кЖ/моль	$\Delta S_{адс}^0$, кЖ/моль·К
293	11,01	0,999	-11,45	1,63	0,0446
303	11,33		-11,91		
313	11,56		-12,36		
323	11,7		-12,78		


Пўлат сиртининг коррозиядан олдин, коррозияланган ва ДМАКТФ ёрдамида ингибирланган ҳолатдаги ўзгаришлари Фон-1 эритмада Eye-One Pro мини-спектрофотометри ёрдамида ўрганилди.



5-расм. ДМАКТФ иштирокида ингибирланган пўлат сиртининг диффуз қайтариш спектри.


Eye-One Pro мини-спектрофотометр ёрдамида кўринувчи соҳада олинган ҳар бир диффуз қайтарувчанлик коэффициентлари учун Кубелка-Мунк функцияси “F” ҳисобланди. Ингибирланмаган металлнинг нур қайтариш спектрида коррозияланиш орқали кескин максимум пайдо бўлганини кўришимиз мумкин (5-расм). Ингибитор таъсирида металл сирти коррозиядан ҳимояланиши натижасида нур қайтариш спектри тоза металл сиртининг спектрига яқин бўлиши кузатилди.

Ингибиторнинг металл сиртида ҳосил қилувчи кристалл тузилишли ҳимоя қавати сканерловчи электрон микроскопида (СЭМ) олинган СЭМ-микротографияси ёрдамида ўрганилди (6-расм).



6-расм. Металл сиртининг дастлабки (а), коррозияланган (б) ва ингибирланган СЭМ-микротографиялари

Атом куч микроскоп (АКМ) ёрдамида ҳосил бўлган ҳимоя қаватнинг тузилиш морфологияси ўрганилди (7-расм).



7-расм. Дастлабки (а) ва ингибирланган (б) металл сиртининг АКМ-микротографиялари

Диссертациянинг “Коррозион фаол муҳитга икки компонентли ингибиторларнинг таъсири” деб номланган тўртинчи боби олигомер

аминобирикмаларнинг моноэтанолламиннинг вакуумда ҳайдаш куб қолдиғи ёки экстракцияланган фосфат кислота билан ҳосил қилувчи икки компонентли ингибиторлар хоссалари тадқиқига бағишланган.

Моноэтанолламиннинг вакуумда ҳайдаш куб қолдиғи (МЭАКҚ) – Саноатда моноэтанолламинли чиқинди эритмаларни ҳайдаш орқали олинади. МЭАКҚ кўнғир-қора рангли суюқлик бўлиб 25-30 % моноэтанолламин, ноорганик бирикмалар қатронлари (кам микдорда) ва сувдан иборат бўлади.

Экстракцияланган фосфат кислота (ЭФК) – Буғлатиш натижасида олинган экстракцияланган фосфат кислотанинг таркибида қуйидагича: 26,52 % – H_3PO_4 ; 0,356 % – CaO ; 1,2% – MgO ; 0,54 % – Al_2O_3 ; қолгани сув (ТУ 6.6-21:2008).

Иккинчи компонент сифатида фойдаланилган МЭАКҚ ва ЭФК республикаміздаги саноат корхона ва заводларида, жумладан, Олмалик “Аммофос” ОАЖда иккиламчи маҳсулот сифатида фойдаланиш учун қатта микдорда қайта ишланади.

5-жадвал


Турли нисбатларда олинган икки компонентли ингибиторларнинг $C=100$ мг/л, $T=293$ К да Фон-1 эритмадаги самарадорлиги ва ўзаро таъсирлашиш коэффициенти

Ингибитор	Компонентлар нисбати	$W_{грав},$ гр/(см ² ·соат)	γ	$\eta, \%$	$\bar{\gamma}$	$\gamma/\bar{\gamma}$
Фон-1	-	1,32	-	-	-	-
МЕАТКФ– ЭФК	1:2	0,122	10,33	90,32	11,78	0,88
	1:1	0,108	11,67	91,43		0,99
	2:1	0,096	13,13	92,38		1,11
	3:1	0,105	12	91,67		1,02
ДМАТКФ– ЭФК	1:2	0,102	12,35	91,9	14,97	1,49
	1:1	0,089	14,16	92,94		1,70
	2:1	0,068	18,53	94,6		2,23
	3:1	0,085	14,82	93,25		1,78
МЕКАФ– МЭАКҚ	1:2	0,127	9,92	89,92	10,94	0,97
	1:1	0,102	12,35	91,9		1,21
	2:1	0,113	11,15	91,03		1,09
	3:1	0,122	10,33	90,32		1,01
МЕАТКФ– МЭАКҚ	1:2	0,11	11,45	91,27	12,57	0,97
	1:1	0,091	13,85	92,78		1,18
	2:1	0,098	12,86	92,22		1,09
	3:1	0,104	12,12	91,75		1,03
ДМАТКФ– МЭАКҚ	1:2	0,087	14,48	93,1	17,03	0,97
	1:1	0,062	20,32	95,08		1,36
	2:1	0,071	17,75	94,37		1,19
	3:1	0,081	15,56	93,57		1,04

5-жадвал натижаларига кўра, индивидуал ингибиторлар билан МЭАКҚ ўзаро 1:1 нисбатда, ЭФК билан 2:1 нисбатда олинганда Фон-1 ишчи эритмада

энг юқори ҳимоялаш даражасини намоён этишди ва ушбу нисбатлар компонентларнинг оптимал нисбатлари деб топилди. Икки компонентли ингибиторлар қўлланилганда синергетик таъсир кузатилиб ҳимоялаш даражаси индивидуал олигомер ингибиторларга нисбатан баланд бўлиши аниқланди. Ўзаро таъсирлашиш коэффициентининг ($\gamma/\bar{\gamma}$) қиймати 1дан катта бўлиши синергетик таъсир мавжудлигини англатади. Икки компонентли ингибиторлардан ДМАТКФ+МЭАКҚ бошқа ингибиторларга қараганда юқори самарадорлик (95,08 %) кўрсатди.

Икки компонентли композицион ингибиторларнинг самарадорлиги кутбланиш эгрлари ва кутбланиш қаршилиги усулида ўрганилди.



8-расм. Фон-1 эритмада $T=293\text{ K}$ да ва $C=100\text{ мг/л}$ ЭФК (1) ва МЭАКҚ (2) асосидаги композицион ингибиторлар иштирокидаги пўлат электродининг кутбланиш эгрлари.

Композицион ингибиторларнинг кутбланиш эгрларида коррозия ток миқдори индивидуал ингибиторларга нисбатан кўпроқ камайиши, коррозия потенциалининг мусбат томонга кучлироқ силжиши аниқланди (8-расм). Ҳимоялаш даражаси ва тормозлаш коэффициентлари ҳам композицион ингибиторларда юқорироқ қийматга эга бўлди.

Икки компонентли ингибиторларнинг самарадорлиги кутбланиш қаршилиги усулида ҳам ўрганилди. Кутбланиш қаршилиги усули учун компонентлар оптимал нисбатларда, 100 мг/л концентрацияда қўлланилди ва самарадорлик бир компонентли ингибиторларга нисбатан ортгани кузатилди. Фон-1 ишчи эритмада ингибитор киритилмаган ҳолатда қаршилик вақт ўтиши билан деярли ўзгармади ва R_0 нинг қиймати 54 Ом/см²га тенг бўлди. Иккинчи компонент сифатида ЭФК қўлланилганда кутбланиш қаршилигининг қийматлари 826 Ом/см²гача, МЭАКҚ қўлланилганда эса 1105 Ом/см²гача ортиши кузатилди. Фон-1 эритмада аниқланган энг юқори самарадорлик ДМАТКФ+МЭАКҚ (1:1) ингибиторида кузатилди ва ҳимоялаш даражаси 95,11 %ни ташкил қилди.

Икки компонентли ингибиторларнинг фаолланиш энергиялари ва металл сиртига адсорбцияланиш хоссалари ДМАТКФ+МЭАКҚ мисолида ўрганилди. Турли ҳарорат ва концентрацияларда ДМАТКФ+МЭАКҚ ингибиторининг коррозия тезликлари, ҳимоялаш даражаси, тўла қопланиш даражаси қийматлари топилди (6-жадвал).

Турли шароитларда ДМАТКФ + МЭАҚК ингибиторининг Фон-1 эритмадаги коррозияга қарши самарадорлиги

Ингибитор	Т, К	С, мг/л	W, гр/(см ² ·соат)	γ	η, %	θ
ДМАТКФ + МЭАҚК	293	-	1,29	-	-	-
		25	0,354		72,56	0,7256
		50	0,243	5,31	81,16	0,8116
		75	0,106	12,17	91,78	0,9178
		100	0,064	20,16	95,04	0,9504
	303	-	1,59	-	-	-
		25	0,364	4,37	77,11	0,7711
		50	0,264	6,02	83,40	0,8340
		75	0,121	13,14	92,39	0,9239
		100	0,073	21,78	95,41	0,9541
	313	-	1,93	-	-	-
		25	0,391	4,94	79,74	0,7974
		50	0,282	6,84	85,39	0,8539
		75	0,139	13,88	92,80	0,9280
		100	0,084	22,98	95,65	0,9565
	323	-	2,32			
		25	0,411	5,64	82,28	0,8228
		50	0,296	7,84	87,24	0,8724
		75	0,154	15,06	93,36	0,9336
		100	0,091	25,49	96,08	0,9608


6-жадвалдаги маълумотларни қайта ишлаш орқали жараённинг фаолланиш энергиялари, фаолланиш энтальпияси ва энтропиялари аниқланди (7-жадвал). Фаолланиш жараёнининг термодинамик функциялари ингибирланиш аралаш механизмда боришини кўрсатди.

ДМАТКФ + МЭАҚК (1:1) иштирокида Фон-1 эритмадаги ингибирлаш жараёнининг термодинамик функциялари

С _{инг} (мг/л)	-	25	50	75	100
E _ф (кЖ/моль)	62,00	8,10	4,40	2,87	1,15
ΔH (кЖ/моль)	166,58	11,49	9,57	7,66	3,83
ΔS Ж/(моль·К)	457,25	-136,31	-155,45	-168,86	-182,26

Икки компонентли ингибиторларнинг адсорбцияси ҳам Ленгмюр изотермаси бўйича бориши аниқланди. Адсорбциянинг стандарт Гиббс энергияси манфий бўлиб жараён ўз-ўзича боради. Адсорбция энтальпияси 15,462 кЖ/мольга, энтропияси эса 0,0892 кЖ/(моль·К)га тенг бўлди.

Турли усуллар ёрдамида олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, олигомер аминобирикмалар пўлат сиртига ковалент табиатли (кимёвий) ва донор-акцептор (физикавий) боғлар ёрдамида адсорбцияланиши ҳамда таъсир маҳанизмлари тақлиф этилди (9-расм).



9-расм. МЕАТКФ (а) ва ДМАТКФ (б) ингибиторларининг металл сирти билан таъсир механизмлари.

Таклиф этилган химоя механизмларига кўра, ингибиторлар темир атомларидан ташқари HCl ли муҳит билан ҳам таъсирлашади. Натижада агрессивлик камаяди ва самарадорлик янада ортади.

ХУЛОСАЛАР

1. Аминотиокарбамид ва меламина асосида таркибида азот-, кислород-, фосфор тутган олигомер типидagi ингибиторлар синтез қилинган, криоскопик усулда молекуляр массалари аниқланган, ИҚ-спектроскопия ва квант-кимёвий усулларда уларнинг оптималаштирилган тузилишлари аниқланган.

2. Коррозия токи ва стандарт потенциали, қутбланиш қаршилиги, коррозия тезлиги, химоялаш даражаси, тормозлаш коэффициентини, сиртни тўла қоплаш даражаси ва адсорбция жараёни мувозанат константасининг турли омилларга боғлиқлиги кўрсатиб берилган.

3. Кинетик тадқиқотлар асосида коррозия жараёнининг турли концентрациялардаги кинетик ва термодинамик функциялари – фаолланиш энергияси, энтальпияси ва энтропияси аниқланган. Адсорбция жараёни изотермалар ва термодинамик функциялар орқали изоҳланган.

4. Икки компонентли ингибиторларнинг индивидуал ингибиторларга нисбатан химоялаш даражасининг баланд бўлиши синергетик эффект мавжудлиги билан изоҳланган.

5. Спектрофотометрик, атом куч ҳамда сканерловчи электрон микроскопик усуллар ёрдамида кинетик ва термодинамик тадқиқотлар натижалари тасдиқланган, пўлат коррозиясининг ингибирлаш механизмлари таклиф этилган.

6. Олигомер аминобирикмалар ва иккиламчи маҳсулотлар асосидаги ингибиторлар “Махам-Chirchiq” АЖда ҳамда Навоий кон-металлургия комбинатининг кислотали қайта ишлашдан ҳосил бўлувчи агрессив муҳитларда фойдаланиш тавсия этилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К.01.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

РАЖАБОВ ЮСУФБОЙ НУРАДДИН УГЛИ

**МЕХАНИЗМ ИНГИБИРОВАНИЯ СИСТЕМ НА ОСНОВЕ
ОЛИГОМЕРНЫХ АМИНОСОЕДИНЕНИЙ И ВТОРИЧНОГО СЫРЬЯ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

02.00.04 – Физическая химия (химические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент–2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.4.PhD/K336

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский) размещен на веб-странице по адресу www.ik-kimyو.nuu.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziynet.uz.

Научный консультант: **Акбаров Хамдам Икрамович**
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Холиқов Абдували Жонизоқович**
доктор химических наук, профессор

Бекназаров Хасан Сойибназарович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: **Институт общей и неорганической химии**


Защита диссертации состоится «15» 01 2021 г. в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.K.01.03 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4, Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (99871) 246-53-21; 246-02-24. e-mail: chem0102@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за №169). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Университетская 4, Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «28» 12 2021 года.
(протокол рассылки № 26 от «27» 12 2021 года).

**З.А. Сманова**
Председатель научного совета по
присуждению учёной степени доктора наук,
д.х.н., профессор

Д.А. Гафурова
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёной степени доктора наук, д.х.н.

**М.Г. Мухамедиев**
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёной степени доктора наук,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в современном мире создание высокоэффективных ингибиторов, защищающих металлы от коррозии в агрессивных средах и заменяющих импортные, является актуальной проблемой. Возрастание потребности в металлах, в результате интенсивного развития производственных процессов, возрасла потребность в эффективных ингибиторах, используемых в водных средах. Также уделяется особое внимание созданию экономически выгодных, экологически безопасных композиционных ингибиторов вместо индивидуальных веществ, применяемых при высоких концентрациях. При предотвращении коррозии важное прикладное значение приобретает определение механизмов ингибирования через изучение влияния структуры соединений, концентрации, рН среды и температуры на эффективность ингибитора.

В мире проводятся целенаправленные исследования для создания эффективных ингибиторов снижающих коррозию металлов изучением ингибирующих свойств водорастворимых органических и неорганических соединений на основе гетероциклических и аминоксодержащих алифатических соединений, полифосфатов, комплексов металлов, олигомерных и полимерных веществ. В частности, особое внимание уделяется снижению загрязнения окружающей среды использованием зеленых ингибиторов растительного происхождения, созданием композитных ингибиторов на основе органических соединений и промышленных отходов. В связи с этим важное научное значение имеет создание ингибиторов на основе производственных отходов и вторичных продуктов, позволяющих избежать использование сложных для синтеза, дорогих, высокотоксичных соединений.

В нашей стране достигнуты определенные научные и практические результаты в создании эффективных полифункциональных ингибиторов для предотвращения коррозии металлов в кислой, солевой, нефтяной и сероводородной средах на основе органических и олигомерных соединений и побочных продуктов. В то же время проблемы, с которыми мы сталкиваемся, не решены полностью. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определены важные задачи и планомерная работа по «дальнейшему ускорению производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью, разработке и совершенствованию технологий получения качественно новой продукции на основе глубокой переработки местного сырья³». В этом направлении ведутся важные научные и прикладные исследования по созданию новых типов ингибиторов на основе олигомерных аминоксодержащих соединений и вторичных промышленных продуктов, изучению механизмов их защиты от коррозии металлических конструкций.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, указанных в указах Президента Республики Узбекистан

³ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах».

от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-6244 от 9 июня 2021 года «О дополнительных мерах по увеличению промышленного потенциала регионов» и Постановлении №ПП-4805 от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям «химия» и «биология»», №ПП-4884 от 6 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования».

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики Узбекистан VII. «Химия, теоретические основы химической технологии, нанотехнология».

Степень изученности проблемы.

